

ХУДУДЛАРДА ҚУЛАЙ ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ

Баҳриддинова Муаззам Азам қизи

*ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази таянч докторанти*

Иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви шароитида тадбиркорлик тузилмалари самарали фаолияти ва фаол тадбиркорликнинг таъминланиши улар тараққиёти жараёнидаги таваккалчиликларни самарали бошқаришни талаб этади. Бу эса Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг барқарор суръатлари, самарадорлиги ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, тадбиркорлик тараққиётининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестицион сиёсатни амалга ошириш, мамлакатда аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини янада ошириш борасидаги масалаларни тўлиқ ва самарали ҳал этиш имконини беради.

Бунинг учун, энг аввало, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тузилмалари тараққиёти жараёнида таваккалчиликларни бошқариш тизимининг мазмун моҳиятини теран ва чуқур англаб етилиши талаб этилади. —Маълумки, қулай инвестиция муҳити ва жозибали инвестиция муҳити яратишга, адолатли рақобатни ривожлантиришга, хусусий тадбиркорлик жадал ривожланишини рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бундай ёндашув, биринчи навбатда, республикамиз иқтисодиётида хусусий секторни жадал ривожлантириш устуворлиги билан изоҳланади.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳозирги замон руҳида тушуниш унинг классик талқинидан фарқ қилади, бироқ бунда унинг туб моҳияти сақлаб қолинади. Ҳозирги замон илмий адабиётида тадбиркорлик намоён бўлиши ва ифодаланиши турли, айниқса – ишлаб чиқариш, инновацион тараққиёт, рақобатбардошлик кабилар нуқтаи-назаридан талқинларининг таҳлили натижасида шуни тан олиш керакки, бугунги кунда мазкур тушунчага барча талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган таърифни топиш қийин.

—Тадбиркорлик фаолиятига таваккалчиликлар таъсирини тадқиқ этишдаги муҳим босқич – —тадбиркор доимо йўлиқаётган ва у билан бирга яшаётган таваккалчиликни янги ечимлар ва янги имкониятлар очилишининг манбаи сифатида қараш зарурлигини англаб етиш ҳисобланади.

—Й.Шумпетер тадбиркорликнинг беш муҳим томонини кўрсатиб берди: истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариш; янги ишлаб чиқаришни қўллаш ва мавжуд товарлар тижорийлигини таъминлаш; янги товарларни ўзлаштириш; янги хом-ашёларнинг ишлатилиши; тармоқни такомиллаштириш.

—Й.Шумпетер тадқиқотларида таъкидланишича, таваккалчиликларда —махсус иқтисодий ресурс сифатида кўрилувчи тадбиркорда махсус қобилиятнинг шаклланишига имкон берувчи яратувчанлик (новаторлик) ғояси юзага келиши жараёни мужассамдир. Айнан мана шу нарса Й.Шумпетерга тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсадини ифодалаш имконини берди: —тадбиркорлик фаолияти - жамият иқтисодий тараққиётининг асоси сифатида янгиликларни яратиш ва қўллашдан иборат.

—Бу шуни намойиш этадики, таваккалчилик ушбу ҳолатда позитив рол ўйнайди. Й.Шумпетернинг бундай ёндошувини нафақат унинг кўплаб замондошлари, балки шу билан бирга уларнинг издошлари ҳам маъқулладилар. Бунинг ёрқин мисоли сифатида америкалик профессор Р.Хизричнинг ёндошувини келтириш мумкинки, унинг таъкидлашича, тадбиркорлик - бу —бирор янги нарсанинг яратилиши жараёнидир ва у маълум қийматга эга, тадбиркор эса – бунга барча зарур вақти ва кучини сарфлайдиган, ўз зиммасига бутун молиявий, психологик ва ижтимоий таваккалчиликларни оладиган ва унинг мукофотига пул ва эришганидан қониқишни оладиган кишидир.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодий ривожланишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда қуйидаги устунликларга эга эканлигини таъкидлаш лозим: – мавжуд имкониятлардан фойдаланиш йўллари топиш орқали барқарор ва муттасил иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиши; – ер, иш кучи ва сармоя каби ресурслардан фойдаланиб, уларни товарлар ва хизматларга айлантирган ҳолда ЯИМ ва жон бошига даромадларни кўпайтириши;

– тўғридан-тўғри ва билвосита иш ўринларини яратиши;

– кичик бошланғич сармоя билан бизнесни ташкил этиши, инвестицияларни тез ўзлаштириши ва юқори самарадорлик, кўпчиликни тадбиркорлик сафига қўшилишга руҳлантириш, бизнеснинг янада ривожланиши ва аҳоли бандлигига кўмаклашиши;

– мамлакат иқтисодиётининг мувозанатли ривожланишига ҳисса қўшади, чекка ҳудудларда корхоналар ташкил қилиши, чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиб, фойда олиши, ушбу ҳудудларга тўғридан-тўғри ёки билвосита инвестиция киритиши ва ушбу минтақанинг янада ривожланишига олиб келиши;

– арзон нархларда асосий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш корхоналарни ташкил этиши, уларнинг турларини кенгайтириши, инновацион технологияларни жорий этиш орқали маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобига аҳолининг турмуш даражасини ошириши;

Шунингдек, республикамиз меҳнат бозорида фаол ва суст чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, кичик ва йирик бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллабқувватлаш ва тезкор ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш орқали аҳолини, айниқса, ёшлар, ногиронларни муносиб иш билан таъминлаш ва самарали

бандликни кенгайтиришга йўналтирилган қулай шарт-шароит яратиш вазифаси қўйилган.

Республикада кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга оид қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бизнес субъектлари фаолитига аралашувига қатъий йўл қўймаслик, тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш.

2. Бизнес учун қулай солиқ ва бошқа имтиёз, преференциялар яратиш, корхоналарнинг стартапдан тортиб, кичик ва ўрта корхонагача ривожланишини қўллаб-қувватлаш.

3. Солиқ тизимини такомиллаштириш, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғини пасайтириш (масалан, қўшни Қозоғистон ва Қирғизистонда ҚҚС даражасининг 12 фоизлиги хорижий инвесторлар учун инвестицион жозибадорлиги юқорироқ деб баҳоланади, бизнинг рақобатбардошлигимизни эса туширади).

4. Ички ва хорижий инвестицияларга бериладиган имтиёз ва кафолатларни унификациялаш (хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ҳар қандай инвестор учун талаб, имтиёз ва кафолатлар бир хил бўлиши лозим).

5. Тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бериш механизмларини янада енгиллаштириш, жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда доимий равишда такомиллаштириб бориш, жумладан, 2та иш ўрнини яратишга 50 минг, 5 та иш ўрнини яратишга 100 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредитлар бериш каби иш ўринларини ташкил қилишга қаратилган рағбатлантирувчи тизим шакллари жорий этиш.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларнинг долзарб муаммоси бу ишсизликдир ва кенг аҳоли томонидан иш билан таъминлаш масаласи одатда ҳукуматнинг мажбурияти, деб ҳисобланади. Аммо, ҳукумат тез ўсиб бораётган аҳолининг барчасини ўзи иш билан таъминлаш имкониятига эга эмас, унинг асосий вазифаси аҳоли учун бизнес юритишга қулай, кенг шароитлар яратиш, уларни тадбиркорликка тайёрлаш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Директ медиа Пабблишинг, 2008. –94-б.

2. Багиев Г.Л., Асаул А.Н. Организация предпринимательской деятельности. – 5-е изд. СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2014. С.123.